

А также при обучении профессии учащихся колледжей системный, поэтапный подход подготовки к труду обеспечивает системность, непрерывность образования положительных результатов, даёт связь труда с воспитанием.

И так, исходя из вышеизложенного, при организации профориентационной работы учащихся колледжей можно сделать следующие выводы:

- во-первых, в учебном процессе и на практике использовать новые, современные, педагогические технологии ;
- во-вторых, обеспечить эффективность учебно-воспитательного процесса при подготовке учащихся колледжей к социальной жизни
- в-третьих, добиться непрерывности учебно-воспитательного процесса и применения его на практике.

Если в сознании учащихся нет социальной активности, ответственности, то уровень современности этого общества не отвечает требованиям идеального гражданского общества. Вернее, они будут оказывать медлительность на пути совершенствования. Итоги понятны.

## **ESCVET МЕТОДИКАСИ БЎЙИЧА ЎҚУВ НАТИЖАЛАРИНИ ТАЪРИФЛАШ (КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ ФАНИ МИСОЛИДА)**

*А. И. Турениязова, Нукус давлат педагогика институти*

Мақолада ESCVETнинг асосий терминлари таърифланган ва Ўзбекистоннинг касб-ҳунар таълимида Тармоқ администратори ёрдамчиси, Компьютер ва компьютерлаштирилган жиҳозларни таъмирлаш, ўрнатиш ва созлаш бўйича техник, Маълумотларнинг информацион базалари оператори мутахассисликлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлайдиган «Компьютер ва дастурий таъминот инжиниринги» таълим йўналишида ўқитиладиган «Компьютер тармоқлари» фани учун ESCVET терминларида ўқув натижалари таърифланган.

*ESCVET, ўқув натижалари, ўқув натижалари бирликлари, билим, кўникмалар, компетенция, квалификация.*

В статье описаны основные термины ECVET, и для предмета «Компьютерные сети» для направления образования «Компьютерный и программный инжиниринг» профессионально-технических колледжей Узбекистана, готовящих младших специалистов по специальностям: Помощник сетевого администратора, Техник по ремонту, установке и настройке программного обеспечения компьютеров и компьютеризированного оборудования, Оператор информационных баз данных – описаны результаты обучения в терминах ECVET.

*ECVET, результаты обучения, единицы результатов обучения, знания, навыки, компетенция, квалификация.*

In this article the basic terms of ECVET are described and for “Computer networks” subject for “Computer and software engineering” of direction of vocational education of Uzbekistan, preparing junior specialists on specialties: Assistant to network administrator, Technician on repair, installment and setting of computers and computerized equipment, Operator of informational data bases,— learning outcomes are described in terms of ECVET.

*ECVET, learning outcomes, units of learning outcomes, knowledge, skills, competences, qualification.*

Касб-хунар таълими учун Европа кредит тизими (ECVET) - бу Европа Иттифоқининг умумий инструментларидан бири. Унинг мақсади шахсининг квалификация олиш йўлида эга бўлган баҳоланган ўқув натижаларини кўчириш, тан олиш ва тўплашга ёрдамлашиш ва эгилувчан индивидуаллаштирилган траектория бўйича умр давомида ўқишни рағбатлантириш. ECVETнинг асосий тамойилларини яратиш ва тадбиқ этиш фуқароларнинг ўқув натижаларини (learning outcomes - LO) яхшироқ тушунишга, уларнинг шаффофлигига, трансмиллий мобиллигига ва кўчириш мумкинлигига олиб келиши керак. ECVET таълим соҳасида Европа ҳамкорлигини ривожлантириш ва миллий квалификация рамакаларини (National Qualification Frameworks - NQF) ишлаб чиқиш, ноформал ва информал ўқув натижаларини валидация қилиш, яъни расмий қабул қилиш, касб-хунар таълимида сифатни таъминлашга ўз улушини қўшади [1].

Амал қилинадиган бўлиши учун кредит тизими қуйидаги ECVET тамойиллари ва техник компонентлари билан мустаҳкамланмоғи керак:

- квалификациялар ECVET тамойилларининг марказий концепти бўлган ўқув натижалари бирликлари ёрдамида таърифланади;
- ўқув натижалари бирликларини баҳолаш, валидация қилиш ва тан олиш, шунинг билан бирга уларни кўчириш ва тўплаш жараёни мавжуд;
- ECVET ҳамкорликлари тушуниш меморандуми (memorandum of understanding - MoU), ўқув шартномалари (learning agreements – LA), расмий хужжатларнинг шахсий расшифровкаси каби қўшимча хужжатлар билан қўллаб-қувватланади.

ECVET мақсади квалификация тизимлари Европа Иттифоқи бўйлаб тушунишга осон ва мослашувчан бўлишини таъминлаш орқали ишчилар ва таълим олувчиларнинг мобиллигини қўллаб-қувватлаш бўлиб топилади. Синов кредитларини кўчириш (transfer) квалификацияларни ёки квалификация бирликларини, компетенцияларни бир ўқув контекстидан бошқа бирига (формалдан ноформалга ва ҳок.), бир таълим даражасидан бошқасига (бошланғичдан узлуксизга ва олийга), шунингдек, бир таълим вазиятидан бошқасига (миллий - тармоқ – минтақавий – маҳаллий) кўчириш имконини беради. Бу эса таълимнинг ҳар хил контекстларини, даражаларини, вазиятларини интеграллаштириш орқали фуқароларга ўқув натижаларини тўплаш имконини яратади. Натижада академик ва меҳнат мобиллик анча ошади.

Юқорида ишлатилган терминларга изоҳ бериб кетайлик. Европанинг касб-ҳунар таълими учун кредит тизими ECVET (European credit system for vocational education and training) шахсинг квалификация олиш йўлида ўқув натижаларини кўчириш, валидация қилиш ва мумкин бўлса тўплаш учун техник рамка ҳисобланади. ECVET инструментлари ва методологиясида квалификацияларни синов бирликлари билан бериладиган ўқув натижалари бирликлари орқали қабул қилинган. Бунда ўқув натижаларини валидация қилиш (validation of learning outcomes) деганда компетент ташкилот томонидан шахс формал, ноформал ва

информал таълим орқали эгаллаган ўқув натижалари (билим, кўникма ва компетенциялар) белгиланган критерийлар бўйича баҳоланганлиги ва валидация стандартлари талабларига жавоб беришини тасдиқлаш тушунилади. Одатда валидация натижасида талабгорга сертификат берилади. VET (vocational education and training) муайян касбда ёки кенгроқ қараганда иш бозорида талаб қилинадиган билим, кўникма ва/ёки компетенциялар билан одамларни қуролландириш мақсадида ўқитиш ва малакасини ошириш.


Кредит тизими (credit system) формал, ноформал ва /ёки информал таълим орқали эришилган ўқув натижаларини тўплаш ва уларни расмий қабул қилиш ушбу контекстларнинг биридан бошқасига кўчиришни енгиллаштириш инструменти. Кредит тизими қуйидагиларни:

- компонентларига (модулар, курслар, диссертация ишлари ва ҳок.) синов бирликлари (кредитлар) илова қилинган ўқув ёки тренинг дастурини ёки
- ҳар бир бирликга кредит синов бирликлари илова қилинган ўқув натижаларидан фойдаланадиган квалификацияни таърифлаш орқали тузилиши мумкин.

Формал таълим (formal learning) ташкиллаштирилган ва тартиблаштирилган муҳитда (таълим муассасаси ёки малака ошириш институти ёки иш жойи каби жойларда) амалга ошириладиган ва мақсадлари, вақти ёки ресурслари бўйича аниқ ўқишга мўлжалланган таълим. Формал ўқиш таълим олувчи хохиши билан мақсадли бурда амалга оширилади ва одатда сертификат олишга олиб келади. Информал таълим (informal learning) иш жойидаги, оиладаги ёки дам олишдаги кундалик фаолият натижаси. Бундай таълим вазифаси, вақти ёки таълим олувчига амалий ёрдам нуқтаи назаридан ташкиллаштирилмаган ёки тартиблаштирилмаган. Таълим олувчининг келажаги нуқтаи назаридан информал ўқув кўпинча мақсадли турда, унинг хохиши билан амалга оширилавермайди. Информал таълим орқали олинган ўқув натижалари

валидация қилиниши ва сертификатланиши мумкин. Информал таълимни яна «тажриба орқали ёки тасоддий таълим» деб ҳам аташади. Ноформал таълим (non-formal learning) ўқув вазифалари, ўқув вақти ёки ўқувни қўллаб-қувватлаш шароитлари бўйича аниқ ўқишга мўлжалланган таълим деб эътироф этилмаган таълим олиш тури, таълим олувчининг хохиши билан мақсадли турда амалга оширилади. Ноформал таълим орқали олинган ўқув натижалари валидация қилиниши ва сертификатланиши мумкин. Ноформал таълим баъзида чала-тартибластирилган деб таърифланади [3].


ECVET вазифалари ва техник компонентлари қуйидаги схемада берилган [3,4]



ECVET ning umumiy vazifalari bo'lib transmisioniy mobillik xamma uchun va haet davomida uqish xamma uchun tamoyillari qabullangan. Buning uchun kvalifikatsiyaga ega bo'lish ijlida uquv natijalarining tan olinishi zarur. ECVET mobillikga va umr davomida uqishga kvalifikatsiyalarning shaffofligi, uquv natijalarini tuplab borish va

уларни кўчириш жараёнини ташкиллаштириш орқали ўз хиссасини кўшади. ECVETнинг техник компонентлари квалификация, ўқув натижалари бирликлари (квалификацияларнинг мазмуни ва тузилиши), синов бирликлари (квалификацияларнинг ўлчами ва бирликларнинг нисбий вазни), ўқув натижаларини баҳолаш, ўқув натижаларини валидация қилиш, ўқув натижаларини тан олиш, тушуниш Меморандуми (хамкорлик), ўқув шартномаси (келишуви), таълим олувчининг шахсий натижаларини ҳужжатлаштириб бормоқ ҳисобланади [2,4].

ECVET-да ўқув натижаларидан қандай фойдаланилади? Талаба маълум бир квалификация олиши учун ушбу квалификацияда таърифланган ўқув натижаларига эга бўлиши шарт. Бунга у формал, ноформал ёки информал турда (контекстларда) таълим олиб, эришиши мумкин.



Нукус давлат педагогика институти командаси ўқув натижалари орқали ўқув курсларини таърифлаш учун қуйидаги секторларни танлаб олди: Ахборот технологиялари, Менеджмент, Мухандислик. Ушбу секторларнинг ҳар биридан битта касб бўйича биттадан фан танлаб

олинди. Танланган фанлар учун ўқув натижаларини таърифлаш RUECVET лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган методика асосида амалга оширилди [5].

Соҳа (сектор)	Касб	Курс
Ахборот технологиялари	3330201 - Компьютер ва дастурий таъминот инжиниринги	Компьютер тармоқлари (116 соат)
Менеджмент	3230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит	Бюджет ташкилотлари учун бухгалтерия иши (116 соат)
Мухандислик	310603 – Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	Автомобил конструкцияси (304 соат)

Компьютер ва дастурий инжиниринг таълим йўналишида 3330201 – Компьютер инжиниринги бўйича техник касби учун «Компьютер тармоқлари» фанига ўқув натижалари ишлаб чиқилди.

Мазкур фанни ўқиш натижасида талаба қуйидаги қобилиятларга эга бўлади:

1. компьютер тармоғининг параметрларини лойиҳалаштириш ва ҳисоблаш;
2. компьютер тармоқлари билан ишлаш учун техник ва дастурий воситалар ўрнатиш ва тармоқлараро ўзаро фаолият ташкиллаштириш учун тармоқ режимларини созлаш;
3. Интернетнинг ҳар хил хизматларини билиш ва улардан касбий вазифаларни бажаришда фойдалана олиш ва тармоқ фойдаланувчиларга ёрдамлашиш;
4. тармоқда ахборот ҳавфсизлиги сиёсатини қўллаб-қувватлаш бўйича барча чораларини кўриш

Шунингдек, ушбу фан бўйича талаб қилинадиган билимлар, кўникмалар ва компетенциялар ишлаб чиқилди, уларнинг ўқув натижаларида акс эттирилиши кўрсатилди, фан мазмуни ўқув натижалари асосида тузиб чиқилди ҳамда ҳар бир ўқув натижаси эришилганлигини баҳолаш учун билиш ва тушуниш, таҳлил қилиш ва қўлланиш, синтез қилиш ва баҳолаш критерийлари ишлаб чиқилди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. <http://ec.europa.eu/education/policy/vocational-policy/doc/2015-rigaconclusions>
2. [en.pdf](#) Latvian Presidency of the Council of the European Union and European Commission (2015)
3. ECVET Tools. Yianna Orphanidou . University of Nicosia, 2017
4. [www.ecvet-info.de](http://www.ecvet-info.de) Geographical Mobility in Vocational Education and Training: Guidelines for describing units of learning outcomes
5. [www.dropbox.com/](http://www.dropbox.com/)... Connie Livori. User Guide for the Implementation of ECVET within Level 4 Russian and Uzbekistan chosen Units from chosen Qualifications.
6. Отраслевой стандарт среднего специального, профессионального образования к необходимому содержанию и уровню подготовки младшего специалиста по профессии 3330201- Техник по компьютерному инжинирингу. Издание официальное. – Ташкент, 2015.
7. [www.dropbox.com/](http://www.dropbox.com/) ECVET-User Guide